

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

**ЙИГМА ТЕМИРБЕТОН КОНСТРУКЦИЯ
ВА БУЮМЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**

ШНҚ 3.03.04-2019

Расмий нашр

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ 2020

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

**ЙИГМА ТЕМИРБЕТОН
КОНСТРУКЦИЯ ВА
БУЮМЛАРНИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ**

ШНҚ 3.03.04-2019

РАСМИЙ НАШР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ – 2020**

УДК 666:982.2 (083.74)

ШНҚ 3.03.04-2019. «Йиғма темирбетон конструкция ва буюмларни ишлаб чиқариш». /Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги – Тошкент, 2019.

ИШЛАБ ЧИҚУВЧИ ВА ТАҚДИМ ҚИЛУВЧИ: Х.Асамов номидаги УзЛИТТИ АЖ. т.ф.н. С.А.Ходжаев, т.ф.н. Р.Р.Юсупов (мавзу раҳбарлари), т.ф.н. Г.И.Ступаков, т.ф.н. Ш.Ш.Шаджалилов, инж. Т.А.Мухамедбаев, А.И.Мусурманкулов).

МУХАРРИРЛАР: Ф.Ф. Бакирханов (Давархитектқурилишқўми), С.А.Ходжаев, А.М.Камилов, Г.И.Ступаков (ЎзЛИТТИ АЖ).

ТАСДИҚҚА ТАЙЁРЛАДИ: ЎзР Давархитектқурилишқўмининг лойиха ишлари бошқармаси (К.М.Холмирзаев) и Қурилиш индустрияси ва стандартлаштириш бошқармаси (Р.Д.Умаров, Н.Л.Ванинский).

Мазкур нашр матнида «ToshuyjoyLITI» АЖ (К.К.Хакимов, Р.Р.Кадиров, док.PhD А.С.Ювмитов) ва ТАҚИ (т.ф.д., проф.С.А.Ходжаев, т.ф.н., доц. М.Турапов – мавзу раҳбарлари, т.ф.д., проф.Х.А.Акрамов, т.ф.д., проф. А.А.Тулаганов, т.ф.н.,проф.Х.Х.Камилов, т.ф.н.,доц.Т.Т.Шакиров) томонидан ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг 2019 йил 10 октябрдаги 480-сон буйруғи билан тасдиқланган ва кучга киритилган ШНҚ 3.03.04-98 га 1-сонли ўзгартиришлар хисобга олинган.

МУХАРРИРЛАР: А.А.Муслимов (Қурилиш вазирлиги), К.К.Хакимов («ToshuyjoyLITI» АЖ).

ТАСДИҚЛАШГА ТАЙЁРЛАНГАН: Қурилиш вазирлигининг техник меъёрлаш, янги технологияларни жорий қилиш бошқармаси (Д.А. Ахмедов).

Ўзбекистон Республикаси худудида **ШНҚ 3.03.04-2019. «Йиғма темирбетон конструкция ва буюмларни ишлаб чиқариш»** кучга киритилиши билан ҚМҚ 2.03.04-98 ўз кучини йўқотади.

Мазкур хужжат расмий нашр сифатида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг руҳсатисиз тўла ёки қисман чоп қилиниши, кўпайтирилиши ва тарқатиш мумкин эмас.

© Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги. 2020.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

ШНҚ 3.03.04-2019

ЙИҒМА ТЕМИРБЕТОН КОНСТРУКЦИЯ ВА БУЮМЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Производство сборных железобетонных конструкций и изделий

Production of precast concrete structures and products

Амалга киритилиш муддати 2020-10-01

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (кейинги ўринларда ШНҚ деб юритилади) замонавий ижтимоий-иктисодий шароитлар, инновацион технологиялар ва материаллар, юкори самарадор технологик жиҳозларни татбиқ этиш заруриятини ҳисобга олган ҳолда уй жой, фуқаро, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, гидротехник ва бошқа қурилишлар учун мўлжалланган, оғир, енгил, майдадонали, иссиқ муҳитга чидамли ва зўриқтирилган бетонлар асосида йиғма бетон ва темир бетон конструкциялари ва буюмлари (кейинги ўринларда “буюм” деб юритилади) ишлаб чиқариш учун қўлланилади.

Ишлаб чиқариш технологияси ва эксплуатация (ишлатиш) бўйича маҳсус талаблари асосида тайёрланадиган буюмларга мазкур ШНҚ талабларидан ташқари қўшимча меъёрий ҳужжатлар ҳамда техник ҳужжатларда белгиланган қоидаларга риоя қилиниши керак.

Янги лойиҳалар асосида қурилаётган ва техник жиҳатдан янгиланаётган, ишлаб турган йиғма темир бетон корхоналарини модернизация қилишда ушбу меъёр ва қоидалар талаблари ҳисобга олиниши керак.

Мазкур меъёр ва қоидалар ячейкали ва зич силикат бетонлар ишлаб чиқаришда қўлланилмайди.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1 Буюм ишлаб чиқаришга буюм учун стандарт ёки техник шартлар (ТУ) ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда тавсия этилади.

1.2 Буюм ишлаб чиқариш технологияси буюмни тайёрлаш учун мавжуд стандартлар, техник талаблар (ТУ) ва лойиҳа ҳужжатлари талабларини таъминлаши керак.

1.3 Буюмларни ишлаб чиқаришда технологик қурилма, жиҳозлар, асбоб-ускуналар, технологик жараёнлар учун тасдиқланган корхонанинг

стандартлари, талаблари ҳамда буюм тури ва конкрет ишлаб чиқариш учун тайёрланган технологик харита ва бошқа технологик ҳужжатлар талабларига роия қилишниши керак.

1.4 Буюмларни тайёрлаш қоида бўйича машина қурилиш заводларида ишлаб чиқилган стандарт ёки ностандарт эффектив технологик ускуналар ёрдамида амалга оширилади. Бошқа заводларда тайёрланган технологик жиҳозлар ёки корхонанинг шахсий механик цехларида стандарт ёки техник талаблар асосида ишлаб чиқарилган технологик жиҳозлардан фойдаланишга рухсат этилади.

1.5 Мазкур ШНҚ талаблари бўйича буюмларни ишлаб чиқариш куйидаги технологик жараёнларни ўз ичига олиши керак: хом ашё материалларини қабул қилиш, омборларга жойлаш ва сақлаш; арматура буюмларини (ёки марказлашган ҳолда келган арматура буюмларини йиғиш) тайёрлаш; бетон қоришимасини тайёрлаш; буюмларни қолиплаш; буюмларга иссиқлик ишлов бериш; буюмларни қолипдан озод қилиш; буюмларни қисқа ремонт қилиш ва тайёр буюм омборида сақлаш.

Техник-иктисодий асосланган ҳолларда тез қотувчи цемент турларидан фойдаланиш, қотишни тезлаштирувчи қўшимчалардан фойдаланиш ва гелиотехнологиядан иссиқлик муҳофаза қатламли қолиплар, стендлардан фойдаланган ҳолда иссиқлик ишлов беришсиз буюм ишлаб чиқаришга ёки муддатини қисқартиришга рухсат берилади.

1.6 Буюм ишлаб чиқаришда технологик жараёнлар, жиҳозлар, тизимлар танлашда максимал даражада қўл меҳнатларини қисқартириш комплекс механизация ва автоматлаштиришга эришиш, ишлаб чиқариш технологиясида компьютер технологияси ва робот техникасидан кенг фойдаланиш, меҳнат шароитини яхшилаш зарур.

Материал ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш, чиқиндисиз технологияни тадбиқ этиш ёки чиқиндиларни утилизация қилиш, энерго ва ресурс тежамкорлик технологияларини қўллаш, ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдаланиш ҳамда конкрет техник иктисодий асосларга таянган ҳолда буюмларни ишлаб чиқариш сифатини юқори бўлишини таъминланиши зарур.

2. ХОМ АШЁ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ОМБОРЛАРГА ЖОЙЛАШ ВА УЛАРНИ САҚЛАШ

2.1 Бетонлар учун боғловчи сифатида ГОСТ 10178-85** стандарт талабларига мос келувчи портландцемент, шлакпортландцемент ва уларнинг турлари ишлатилиши тавсия этилади.

Сулфат муҳитга чидамли ва пущалан портландцементлар фақат ГОСТ 22266-94 да кўрсатилган ва лойиха ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолатларидагина қўллаш тавсия этилади. Иссиқ шароитларга чидамли бетонлар учун боғловчи материаллар сифати О'з DSt 860-98 талабларига мувофиқ қўллаш мумкин.

Барча турдаги ва класс (марка)даги бетонлар учун боғловчи материалнинг маркаси ШНҚ 5.01.23-08 талаблариға мос келиши керак.

Безак (пардозбоп) бетонлар ва қоришималар ишлаб чиқаришда портландцемент ГОСТ 10178-85** бўйича, оқ цемент, O'zDSt 761-96 бўйича рангли цементлар O'zDSt 762-96 бўйича танланиши керак.

2.2 Оғир, зўриқтирилган ва майдадоналик бетонлар учун йирик ва майда тўлдирувчилар ГОСТ 266663-2012 талаблариға, енгил бетонлар учун O'z DSt 669-96 талаблари ва иссиқ шароитларга чидамли бетонлар учун O'z DSt 860-98 талаблариға мос келиши керак.

Безак (пардозбоп) бетонлар учун ишлатиладиган майда ва йирик тўлдирувчилар ГОСТ 26663-2012, шунингдек безак чақиқ тош ва қум ГОСТ 22856-89* талаблариға жавоб бериши керак.

2.3 Оғир ва енгил бетон қоришималарини тайёрлашда цемент, табиий ва сунъий тулдирувчилар сарфини камайтириш мақсадида ГОСТ 25820-2000 талаблариға жавоб берувчи иссиқлик электр корхоналари (ТЭЦ) учувчан кули ва кул-шлак аралашмасидан фойдаланиш, иссиқлик шароитларида чидамли бетонлар учун ишлатиладиган майда тўйилган қўшимчалар O'zDSt 860-98 талаблариға жавоб бериши керак.

2.4 Бетон қоришимаси ва қурилиш қоришимаси тайёрлаш учун фойдаланилган сув ГОСТ 23732-2011 талаблариға жавоб бериши керак.

2.5 Бетон қоришимаси ва бетон хоссаларини яхшилаш, меҳнат ва энергия сарфини камайтириш мақсадида фойдаланадиган алоҳида ёки комплекс кимёвий қўшимчалар, конкрет қушимчалар учун стандартлар, техник шартлар ва ГОСТ 24211-2008 талаблариға жавоб бериши керак.

Кўшимчаларни танлаш 1-иловада келтирилган тавсиялар асосида амалга оширилиши керак. Бунда пластикликни оширувчи қушимчалар хусусан суперпластификаторлар ёки гиперпластификаторлар харакатланувчанлиги юқори ва ўта суюқ бетон қоришималарини тайёрлашда;

Ҳаво тортувчи ва бошқа ғоваклик хосил қилувчи қўшимчалар конструкцион-иссиқликдан муҳофаза қилувчи енгил бетон қоришималари учун; ҳаво тортувчи ва ҳаво тортувчи-пластикликни оширувчи қушимчалар, харакатланувчан бетон қоришималари асосида юқори совуққа чидамлилик хоссасига эга бўлган (F 200 ва ундан юқори) бетон қоришималарини тайёрлашда фойдаланиш тавсия этилади.

2.6 Безак қоплама пардозбоп, иссиқликдан муҳофаза қилувчи ва сув, намдан сақловчи материаллар ва буюмлар ҳамда бутловчи материаллар стандартлар ёки техник шартлар талаблариға мос келиши керак.

2.7 Пўлат арматура (стерженли, симли) ва маркасига мос юқори сифатли прокат, товар арматура турлари, каркаслари ва қўшимча арматура буюмлари, стандарт талаблари ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган техник шартлар ва лойиха ҳужжатлари талаблариға мос келиши керак.

2.8 Цементни жойлаш ва сақлаш механизациялаشتариlgан ва автоматлаشتариlgан махсус силос ва бошқа омборларда бажарилиши керак. Цементни тушириш ва ташишни пневматик ташиш воситаларида амалга ошириш лозим. Цементни вақтингчалик бостиrmалар остида ва брезент қолланган майдонларда, шунингдан аммиак ажратувчи материаллар яқинидан, сақлашга йўл қўйилмайди. Цементни сақлашда бир силосда ҳар хил маркадаги ва турдаги ва шунингдек ҳар хил заводларда ишлаб чиқилган цементларни жойлашга йўл қўйилмайди.

2.9 Йирик ва майда тўлдирувчиларни ифлосланиб ёки ҳар турли ва фракцияли тўлдирувчиларни аралашиб кетмаган шароитда алоҳида фракциялар бўйича лойиҳаланган турдаги омборларда жойлаш ва сақлаш лозим.

2.10 Суюқ кимёвий қўшимчаларни заводларга зич ёпиладиган идишларда етказиб бериш, уларни музламайдиган ёки керакли хосслирини йўқотмайдиган, қувурлар ювиш учун ва эrimайдиган чўкиндиларни чиқариб юборадиган ускуналар билан таъминланган шароитда махсус омбор ёки идишларда сақлаш лозим.

2.11 Безак қоплама, пардозбоп, иссиқликдан муҳофаза қилувчи ва сув, намдан сакловчи материаллар ва бутловчи буюмларни махсус бутловчи базаларда ёки жойларда, уларни ишлатишдан олдин тегишли сифатини таъминловчи шароитларда тури ва сортаменти бўйича сақлаш зарур.

2.12 Заводга келтирилган пўлат арматураларни ёпиқ омборларда профили, диаметрлари, класслари ва партиялари бўйича алоҳида стелажларда, кассеталарда, бункерларда, штабелларда уларни занглаш ва ифлосланишдан сақлаган ҳолда сақлаш зарур.

Пўлат арматурани намдан ҳимояланган ҳолда бостирма тагида сақлашга руҳсат берилади. Пўлат арматурани ер пол устида, шунингдек, кимёвий агрессив муҳитли моддалар яқинида сақлашга руҳсат берилмайди.

3. АРМАТУРА ВА ҚЎШИМЧА АРМАТУРА БУЮМЛАРИНИ (ЗАКЛАДНЫХ ИЗДЕЛИЙ) ТАЙЁРЛАШ

3.1 Арматура буюмларини махсус ихтисослаشتариlgан цехларда юқори завод тайёргарлигига ишлаб чиқариш лозим. Темир бетон буюмлари ишлаб чиқариш заводида марказлашган ҳолда маҳсулотларни (тўр, каркас, қўшимча арматура элементлари ва бошқа.) кўплаб етказиб беришда арматура буюмларини кам серияда ишлаб чиқариш ва уларни яхлитлаб йиғиб тайёрлаш учун участкалар ташкил қилинган бўлиши керак.

3.2 Арматура ишларини олиб бориш комплекс механизациялашган ва автоматлаشتариlgан қаторлар (цехлар) да ташкил қилиниши, пайвандлаш, йиғиш, коррозиядан сақлаш ишларини олиб бориш, арматура буюмларини ташиш ва тиклаш жараёнларида максимал даражада қўл меҳнатини

камайтириш, металлни тежаш ва энергия тежамкор технологияларни татбиқ этган ҳолда амалга оширилиши лозим.

3.3 Арматура ишларини олиб бориш учун ускуналар оқим-механизациялашган қаторларда (линиялар) тайёрлаш кетма-кетлигини сақланган ҳолда, арматура буюмларини битта белгиланган гурухлар бўйича (тайёрлаш ва стерженларни эгиш, кўтариш ва монтаж илмоқлари, тўр ва каркасларни йиғиш ва пайвандлаш ва хоказо) цех ичида кўтарма-ташиш ускунлар билан зарурый иш турлари бўйича жойлаштириши лозим.

3.4 Арматура цехининг ичида пўлат арматураларни ва ярим тайёр (полуфабрикат) буюмларни ташиш, тайёр арматура маҳсулотларини қолиплаш цехига узатиш, маҳсус контейнерларда, ўзи юрар араваларда, осма технологик конвейрларда ва бошқаларда бажарилиши керак.

3.5 Арматура цехлари ва жойлари биринчи галда янгидан қурилаётган ва қайта қурилаётган корхоналарнинг қолиплаш цехларига яқин бўлиши керак. Тайёр арматура буюмлари омбори қолипни қолиплашга тайёрлаш постларига яқин жойлашган бўлиши лозим.

Арматура цехлари ва жойларида ишни ташкил қилишда қоида бўйича карама-қарши ва кўндаланг кесиб ўтадиган технологик оқимлар бўлмаслиги керак. Тайёр арматура буюмлар захираси арматура ва қолиплаш цехи, йиғма темирбетон корхонасининг лойиҳалаш технологияси талабларига мос келиши керак.

3.6 Хар хил буюмлар учун арматура элементларини ГОСТ 10922-2012, босим остида ишлайдиган қувурлар учун О’зDST 829-97 нинг талабларига мос келадиган аниқлик билан ўрнатилган технологик қоида ва меъёrlарга роия қилган ҳолда тайёрлаш лозим.

3.7 Калавадаги арматура симларидан ва иссиқлик термик ишлов берилган думалоқ текис ва даврий юзали арматура стерженлари текисловчи-кесувчи автомат-дастгоҳларда, боғламларда келтирилганлари эса қоида бўйича механизациялашган чиқиндисиз цехларда (линияларда) амалга оширилади.

3.8 Стерженли ва симли арматураларни ва тўрларни қирқиши меканик, гидравлик ёки пневматик қайчиларда, ишқаланувчи арраларда ҳамда плазмали горелкаларда бажариш лозим.

3.9 Арматура стерженлари ва пайвандланадиган тўрларни эгишни қоида бўйича приводли эгувчи дастгоҳларда бажарилиши керак.

3.10 Монтаж илгакларини ихтисослаштирилган ярим автомат ёки автоматлаштирилган юқори маҳсулдорликка эга бўлган дастгоҳларда тайёрлаш керак. Ҳажми катта бўлмаган илгакларни арматура стерженларини эгиш учун мўлжалланган дастгоҳларда тайёрлашга рухсат этилади.

3.11 Қўшимча арматура буюмларини (закладных изделий) тайёрлаш шу жумладан штамповка қилинган (стерженларни қирқиши, пўлатни ингичга

қилиб кесиш, тешик очиш, прокат профилни бичиш, штамповка қилиш ва бошқалар) ларни мураккаб пресс қайчилар, гильотин қайчилар ёки механик прессларда бажарилиши керак. Қўшимча арматура буюмларини маҳкамлаш учун уларда қолипнинг технологик чекловчилари (фиксатор) тагида тешиклар кўзда тутилиши керак.

3.12 Зўриқтирилган арматураларни механизациялашган ва автоматлашган қаторларда (линиялари) тайёрлашда арматура шикастланган, кемтик ва куйган бўлишига рухсат этилмайди.

3.13 Буюмларни қолиплашдан олдин стерженли ва симли зўриқтирилган арматураларни маҳкамлаш учун совуқ, иссиқ ёки яrim иссиқ ҳолатда тайёрланган анкер қопқоғини (головка), совуқ ҳолатда прессланган шайба спирал анкер пайвандланган кичик размердаги арматура бўлаклари инвентар қисқични понали илгакли мосламасини, анкер плитасини, шунингдек прессланган пўлат гилзани арматура классига мос равища қўллашга риоя қилиш керак.

3.14 Пайвандланган арматура элементларини турлари ва конструктив элементлари ҳамда пайванднинг технологик тартиби ГОСТ 14098-2014 ва ГОСТ 10922- 2012 ШНҚ 3.03.04 ва аниқ турдаги буюмларнинг лойиха хужжатларига мувофиқ бажарилиши керак. Қўшимча арматура элементлари пайванд бирикмалари асосий турлари ва конструктив элементлари пайванднинг усувларига боғлиқ бўлган ҳолда ГОСТ 14098-91 га мос келиши керак.

3.15 Ҳажмли арматура каркасларини тайёрлаш пайванд ёрдамида маҳсус қурилманинг кондукторларида бажарилиши лозим. Арматура каркаслаарини йиғиш ёйсимон пайванд ва боғлаш (тўқиши) ёрдами билан ШНҚ 2.03.01 да кўрсатилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Ҳажмли каркаслар омборларда сақлаш, ташиб учун етарли бўлган бикрликка эга бўлиши, қолипда лойиха қоидасига риоя қилиниши ГОСТ 10922-2012 талабларига мос келиши лозим.

3.16 Пайвандланган арматура ва қўшимча арматура буюмларини коррозиядан ҳимоялаш ШНҚ 2.03.11 талабларига кўра амалга оширилиши керак.

4. БЕТОН ҚОРИШМАСИНИ ТАЙЁРЛАШ

4.1 Буюмни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бетон қоришмаси ГОСТ 7473-2010 ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқланган ва ишлаб чиқаришни аниқ шароитига ва заводдаги технологик ускуналардан фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган корхона стандарти ёки технологик харитаси талабларига мос келиши керак.

4.2 Бетон қоришмаси танлаш ва бетон қоришмаси таркибини тавсия этиш буюмларни ишлаб чиқаришдан олдин завод лаборатория ҳодимлари ёки аккредитация қилинган лабаратория томонидан бажарилиши лозим. Бунда

бетоннинг лойиха ҳарактеристикалари, тури ёки цемент, тўлдирувчилар, кимёвий қўшимчалар ва ишлаб чиқаришни технологик ўзгаришларни ҳисобга олган холда ГОСТ 27006-86 талабларига биноан амалга оширилиши керак.

4.3 Бетоннинг ишчи таркибини тартибга солиш ва меъёрга етказиш тўлдирувчиларнинг хоссаларини жараёнлараро назорати маълумотлари бўйича (намлик, донадорлик даражаси, тўкма зичлиги) ва бетон қоришимасининг (кулай жойлашувчанлиги, енгил бетонлар учун ўртача зичлиги) минерал ва кимёвий қўшимчаларнинг миқдори ва таъсири, олдиндан зўриқтирилган бетонлар учун зўриқишиларни бетонга бериш мустаҳкамлигини назорати, зўриқтирилган бетонлар учун зўриқишилари узатиш назорати шунингдек, мустаҳкамлик бўйича статистика таҳлил асосидаги аниқ маълумотлар ГОСТ 18105-2010 талабларига мос келиши керак.

4.4 Бетон қоришимасини тайёрлайдиган қурилмалар (секциялар, цехлар, бўлинмалар) ўзининг таркибида миқдор ва сифимиға эга бўлган тўлдирувчилар, цемент ва қўшимчалар учун мўлжалланган бункерларга ва қадоқлаштиргичлар (дозатор) га эга бўлиши керак. Технологик жараёнларни бошқариш тўлиқ автоматлаштирилган бўлиши керак.

4.5 Безак учун (пардозбоп) бетон қоришимасини ёки қурилиш қоришимасини тайёрлаш алоҳида бўлинмаларда ва алоҳида қориширгичларда тайёрланиши лозим ҳамда уларни қолиплаш цехига махсус транспорт воситасида етказиб берилиши ҳамда оддий бетон қоришималари билан аралашиб кетмаслиги таъминланиши керак.

4.6 Технологик қолиплаш цехларига қоришка таъминловчи бетон қоришириш қурилмаси (БСУ) нинг унумдорлиги энг юкори суткалик эҳтиёжидан ташқари 20% дан кам бўлмаган захира билан таъминланиши лозим.

4.7 Бетон қоришимаси билан қолиплаш цехини узлуксиз таъминлаш учун энг катта йирик габаритли буюм ҳажми мос келадиган йиғувчи-бункер, маҳаллий ёки иккиламчи қориширгичлар ва бошқа аниқ ишлаб чиқариш воситалари (оддий, қиздирилган қоришка, пластиклаштирилган ва ҳаво тортувчи қўшимчалар ва бошқалар) қўллашга амал қилиши керак.

Хом ашё материалларни узатиш, тортиш (дозирование) ва бетон қоришимасини тайёрлаш

4.8 Бетон қоришимасини тайёрлашда фойдаланиладиган цемент, тўлдирувчилар, қўшимчалар бетон қоришириш узелига (БСУ) уларни сифатини сақлаган холда узатиш зарур. Қишиларни тайёрланиши ва ҳарорати 50 дан – 70°C гача, қувурлар ишлаб чиқариш – 50 дан 400°C гача бўлиши керак.

4.9 Цементни, тўлдирувчиларни (фракция бўйича) сув ва қўшимчаларни тортиш махсус дозаторлар ёрдамида амалга ошириш керак. Тортиш аниқлиги

ГОСТ 7473-2010 талабларига мос келиши керак. Енгил бетон қоришимасига ҳажмий- оғирлик усулида, ҳажмий-оғирлик тортиш ускуналарида (дазатор) амалга оширилади ва енгил бетон қоришимасининг таркиби йирик ғовак тўлдирувчисининг тўқма зичлигини назорат қилиш орқали тартибга солинади.

4.10 Бетон қоришимасини тайёрлаш стандарт талабларга жавоб берувчи гравитацион ва мажбурий ҳаракатланувчи қориширгичларда амалга оширилиши керак Бунда ҳар қандай ҳаракатланувчанлик ва бикрлик (қаттиқлиги) га эга бўлган оғир, енгил ва майдадоналик қоришималар тайёрлаш мажбурий қориширгичларда: гравитацион қориширгичларда ҳаракатланувчанлиги P2 ва ундан юқори бўлган оғир бетон қоришималарни тайёрлаш тавсия этилади. Бетоннинг сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги бўйича ўзгарувчанлик коэффициенти 10 дан ошмаган ҳолларда қоришиманинг ҳаракатланувчанлиги P2 ва ундан юқори бўлганда гравитацион қориширгичларда, ўртacha зичлиги D1600 ва класси B12,5 ва ундан юқори енгил бетон қоришималри ҳамда ўртacha зичлиги D1200–D1500 марка, бетон класси B12,5-B25 бўлган майдадоналик енгил бетон қоришималарини турбулент қориширгичларда тайёрлаш тавсия этилади.

4.11 Ишлаб турган бетон қориширгичга хом ашё материалларни юклаш (махсус бетон қоришималарини тайёрлаш бундан мустасно) куйидаги кетмакетликда амалга оширилиши керак: йирик тўлдирувчи, қум, цемент, майда туйилган минерал қўшимчалар ва сув. Кимёвий қўшимчалар сув билан бирга ёки қоришка тайёр бўлгандан кейин қўшилади. Қиши вактида бетон қоришимасини минимал ҳароратини таъминлаш учун (+5°C қолиплаш цехида +30°C полигонларда) сувни 70°C гача иситишга рухсат этилади.

4.12 Даврий ишлайдиган бетон қориширгичларда қориshmани қоришириш давомийлиги ГОСТ 7473-2010 нинг талабларидан кам бўлмаган ҳолда завод лабораториясида тажриба йўли билан, қувурларни қолиплаш учун қориshmани тайёрлашда 6 минутдан кам бўлмаган ҳолда белгилаш керак.

4.13 Бетон қоришимасини бетон қориширгичдан қолипланадиган жойгача ташиш (узатиш) қоришиманинг асосий хоссаларини ўзгармаган ҳолда, қатламланиш ҳодисасини олдини олган ва йўқотишларни истисно қилган ҳолда, ўзи юрар тарқатувчи бункерлар, бетонтарқатгичлар, лентали конвейрлар, бетоннасослар ва бошқа транспорт воситалари ёрдамида амалга оширилиши керак. Бетон қоришимасининг ҳаракатланувчанлик хоссаси (конус чўкмаси) масофага узатилгандан (ташилгандан) сўнг камайиши 2 см дан, каттиқлигини ошиши 20% дан ва ўртacha зичлиги (енгил бетонлар учун) – 5% дан ошмаслиги керак. Бетон қоришимасини бир жинслик хоссасини ошириш учун ва тез қотувчи қоришималардан фойдаланиш имконятини яратиш учун локал бетон қориширгичалар қурилмаларидан ва такрорий қоришириш учун мўлжалланган бетон қориширгичлардан фойдаланиш керак.

4.14 Тайёр бўлган бетон қоришимасини қориширгичдан қабул қилиб олишдан уни қолиплашгача ўтган вақт: оғир, майдадонали енгил

конструкцион, зўриқтирилган бетон қоришмалари учун 45 минутдан; кучлантирилган қолипларда арматураси олдиндан зўриқтирилган конструкциялар учун мўлжалланган бетон қоришмалари, ҳаво тортувчи қўшимчали енгил бетон қоришмалар, шунингдек иссиқ муҳитга чидамли бетон қоришмаларига -30 минутдан; қотиш муддатлари кичик бўлган цементли ва олдиндан қиздирилган бетон қоришмалари учун – 15 минутдан ошмаслиги керак. Узок масофаларга узатиш учун мўлжалланган товар бетон қоришмалари учун масофани узунлиги ГОСТ 7473-2010 талабларига мувофиқ белгиланиши керак.

4.15 Қолиплаш жойига узатилган бетон қоришмаси: талаб этилган қулай жойлашувчанигини ҳаракатланувчанлик хоссаси 30% гача, қаттиклиги (бикрлиги) 20% гача ўзгариши; зичлантирилган ҳолда ўртача зичлик талаб қилингандан 5% гача ошмаслиги (енгил бетон учун); агар қабул қилинган технологияда қориshmанинг энг юкори ҳарорати ҳисобга олинмаган бўлса ҳарорат 5 – 30°C оралиғида бўлиши; талаб қилингандан тортилган ҳаво ҳажмининг ўзгариши белгиланганде (ҳаво тортувчи қўшимчали қоришмалар учун) 10% дан ошмаслиги лозим.

5. БУЮМЛАРНИ ҚОЛИПЛАШ Умумий қоидалар

5.1 Буюмларни қолиплаш қўйидаги технологик жараёнларни ўз ичига олади:

ҳаракатланувчи ва қўзғалмас стационар қолиплар тайёрлаш (шу жумладан уларни тозалаш ва мойлаш, арматура элементларини ўрнатиш ва маҳкамлаш, қўшимча арматура элементларини ўрнатиш, вкладиш ўрнатиш, олдиндан зўриқтирилган конструкцияларнинг зўриқтирувчи арматураларини тортиш); бетон қоришмасини ётқизиш ва зичлаштириш; қолиплаш жараёнида юзаларга пардоз бериш; иссиқлик ишлов беришгача қолип деворлари элементлари ускуналарини дархол бир зумда ёки тезлаштирилган ҳолда қолипдан ечиш.

5.2 Буюмларни қолиплаш тебратиш ёрдамида (вибрация), тебратиш ёрдамисиз ёки комбинация усуллари ёрдамида амалга оширилиши керак. Қолиплаш усулини танлашда қабул қилинган ишлаб чиқариш технологияси, буюм турига қараб, буюмнинг талаб даражасидаги сифати, цемент сарфинин тежаш, меҳнат сарфини камайтириш ва меҳнат шароитларини енгилаштиришни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Кўп қатламли ташки девор панеллари, санитар-техник кабиналарнинг ҳажмий элементлари, лифт шахталари, шамоллатиш блоклари ва бошқа буюмларни қолиплашда, уларнинг қолиплаш технологик жараёнларни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалдаги меъёрий-техник хужжатларнинг талабларига роия қилган ҳолда бажарилиши керак.

5.3 Буюмларни қабул қилинган қолиплаш усулларида, ускуна, жиҳозлар (катъий иҳтисослаштирилган ишлаб чиқариш бундан мустасно) ихчам

технология талабларига жавоб бериши керак ва буюм номенклатураларида айрим ўзгаришлар, пардоз ишлари усуллари ва бошқа технологик параметрларини ўзгаришларида, бир буюмдан иккинчи буюмга ўтиб ишлаб чиқариш имкони таъминланиши керак.

5.4 Айрим буюмларни турлари қоида бўйича қўйидаги технологик қаторлар ва ускуналарда қолипланиши керак: ташқи девор панеллари, ораёпма ва том қоплама панеллари, рулонсиз том плиталари ва қопламасиз том плиталари (“юзи пастга” ҳолатда), зина майдончалари архитектура деталлари ва текис юзали йиғма буюмлар-конвейрларда ёки агрегат-оқим усулида горизонтал ҳолатда;

ички девор панеллари, тўсиқ конструкциялар, зина конструкциялари кассета қурилмаларида ёки кассета-конвейр қаторларда вертикал ҳолда, шунингек агрегат-оқим ёки конвейр қаторларида горизонтал ҳолатда;

ригеллар, балкалар, коллонналар, шпаллар (кўп ячейкали қолипларда) аэродром йўл плиталари ва бошқа узунлиги 12 м гача бўлган чизиқли конструкциялар агрегат-оқим, ярим конвейр ва конвейр қаторларида, ҳажмий элементлар, санитар-техник кабиналар, лифт шахталарининг блоклари (шамоллатиш ва ахлат ўтказувчи блоклари билан), элеваторлар ва бошқалар – маҳсус стенд қурилмаларида конвейр қаторларида, карусел қурилмаларида ва электр узатувчи конструкциялар (ЛЭП) маҳсус ихтисослашган агрегат-оқим ва стенд қаторларда, узунлиги 12 м дан кўп чизиқли конструкциялар (коллонналар, балкалар, қозиклар, хар хил турдаги фермалар, фазовий юпқа деворли элементлар, КСЖ типидаги плиталар, П.2Т, Т турдаги кўприк конструкциялари-стенд қаторларида, маҳсус стенд қурилмаларида (катучие стенди) ва бошқа маҳсус қурилмаларда.

5.5 Қолиплаш постларида технологик жараёнларни ҳақиқий ишлаш ритмига (бир текис ишлаши) асосланиб ташкил этилиши керак (оператив вақт захирасига қараб белгиланади, аниқланади) а технологик жараёнларнинг давомийлиги, жараёнларнинг хар хил вақтда (нотекис) бажарилишининг вақт захирасини хисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

Махсулдорликни хисоблаш вақтидаги энг минимал ритм, технологик харитада кўрсатилган максимал ритмдан ошмаслиги керак.

Технологик жараёнларнинг давомийлиги ва белгиланган чегараланган танаффуслар вақти амалдаги вақт меъёрларига мос келиши керак, конвейр қаторларида жараёнларни бажарилишини нотекис вақт захираси амалдаги вақт меъёрларига мос келиши керак.

Қолиплар, стенлар ва уларни қолиплашга тайёрлаш

5.6 Буюмларни қолиплаш учун максимал даражада механизациялашувни етарли технологиябопликни таъминловчи, кам материал талаб этувчи, юқори бикрликка илғор конструкцияларга эга пўлат (раскосний панжарали поддонлар қайишқоқ ишлайдиган элементли, тўлиқ ёки қисман очилмайдиган қолиплар ва х.к) қолип ускуналардан фойдаланиш керак.

Арматураси олдиндан зўриқтирилган конструкцияларни тайёрлашда қолипда буюмларни сиқилиб қолиш эҳтимолини олдини олиш ёки буюмларни қолипдан озод қилиш жараёнида стендларда арматура зўриқишиларини бетонга узатиш вақтида ҳосил бўладиган ноқулайликарни олдини олувчи чоратадбирлар режаси ҳисобга олиниши керак. Кенг, қаттиқ ва номенклатураси ўзгарувчан буюмларни тайёрлашда, буюмларни бир туридан иккинчи турига осон ўтишини таъминловчи ва ихтисослашган постларда тайёрланган қолиплардан фойдаланилади. Кичик сериядаги буюмларни тайёрлашда метал асосга эга бўлмаган (шишапластик, темирбетон, ёғоч ва бошқа қолиплар) қолиплардан фойдаланиш керак. Ушбу ҳолатларда пўлат қолиплардан фойдаланиш учун тегишли асосланган маълумотлар мавжуд бўлгандагина рухсат берилади.

5.7 Буюмларни тайёрлаш учун фойдаланиладиган қолиплар, бортлар, поддонлар, вкладышлар, материаллар ва стендлар O'zDSt 838-97, O'zDSt 861-98, O'zDSt 862-98, O'zDSt 863-98 талабларига, буюмга бўлган стандарт ёки техник талаблари ва лойиҳа хужжатларида белгиланган буюмга ишлаб чиқаришга рухсат этилган размер бўйича чекланишларни таъминловчи талабларга мувофиқ бўлиши керак.

5.8 Буюмларни технологиябоплигини ошириш ва геометрик аниқлигини таъминлаш учун лойиҳа ишлаб чиқарувчиси билан келишилган ҳолда буюмларни қирраларида қолипдан озод қилиш учун қияликлар кўзда тутилиши керак, а қолипларни тайёрлаш вақтида эса-уларни номинал размерларини камайтириш (қолипдан фойдаланишда технологик нуқсонларни статистик асослашни ҳисобга олган ҳолда) тайёр буюмни минусли чекланишлар (допуски) билан мос ҳолда назарга олишни кўзда тутилиши керак.

5.9 Қолипдан фойдаланиш амалдаги меъёрий-техник хужжатларга мувофиқ амалга оширилиши лозим. Геометрик размерлари аниқлиги бўйича чекланишлар технологик хариталарда белгиланган кўрсаткичлардан ошиб кетган ҳолда йиғилган қолиплар, қолиплаш постларига узатилишига йўл қўйилмайди.

5.10 Қолиплашдан олдин поддонлар ва борт ускуналар ичидан ва ташкарисидан тозаланган ва мойланган бўлиши керак. Қолипни тозалаш учун маҳсус машиналар қўлда ишлатиладиган пневматик ёки электр асбоблари қўлланиши лозим. Қолипни йиғиш жараёнлари юқори даражада механизациялашган бўлиши керак.

5.11 Қолипни мойлаш учун металлга етарли даражада ёпишиш хусусиятига эга бўлган, бетонни бузилиб кетишига ва буюмнинг устида доғлар пайдо бўлишига олиб келмайдиган мойлаш таркибларидан фойдаланиш зарур. Мойланадиган таркибни қолип юзасига юпқа ва бир хил қалинликда суртилиши, коида бўйича механизацияланган ускуна ва қурилмаларда амалга оширилиши керак.

5.12 Қолипга арматура турлари ва каркасларини, қўшимча арматура элементларини, вкладышлар ҳамда иссиқлик изоляция материалларини ўрнатилишида, буюмнинг лойиха хужжатлари стандарт ва технологик харитада белгиланган талаблар бўйича кетма-кетликда амалга оширилишига риоя қилиниши керак. Қолиплаш жараёнида арматура элементлари (тўр, каркас), қўшимча арматура деталлари, вкладышлар ва бошқалар лойихада белгиланган жойидан сурилиб кетмаслиги ва бетон конструкциясини ҳимоя қатламини қалинлигини тўлиқ таъминлаш учун уларни маҳсус мосламалар (фиксаторлар) ёрдамида маҳкамланиши керак.

5.13 Арматураси олдиндан зўриқтирилган конструкцияларни ишлаб чиқаришда арматурани тортиш усулини танлаш (механик, электротермик, электротермомеханик) ишлаб чиқарилаётган конструкциянинг тури, арматуралаш тури, арматура класси ва конкрет ишлаб чиқариш шароитларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак. Шунингдек юқори мустаҳкам стерженли иссиқлик ишлов берилган диаметри 8 – 22 мм ли иссиқлик ёки иссиқмеханик мустаҳкамланган арматураларни тортишда коида бўйича электриссиқлик усулида, диаметри 25 – 40 мм арматураларни механик усулда амалга оширилиши керак. АТ-1000 ва ундан юқори классдаги арматура симлари ва иссиқлик ёки иссиқлик механик усулда мустаҳкамланган стерженли арматурани тортиш механик ёки электротермомеханик усулда амалга оширилиши керак. Олдиндан зўриқтирилган арматуранинг бошланғич зўриқишилар қиймати ва руҳсат этилган чекланишлар кўрсаткичлари буюмнинг лойиха хужжатларига мос келиши керак.

5.14 Зўриқтирилган арматураларни қолипга механик усулда тортишни, коидага биноан, бир вақтнинг ўзида буюмларнинг барча зўриқтирилган арматуралари учун гидравлик домкратда амалга оширилиши керак.

Зўриқтирилган арматураларни қолипга маҳкамлаш учун турли диаметрда ва классдаги арматуралардан фойдаланиш имконини таъминловчи (қозиқ кўринишидаги вилкали, кўзғалувчи илгакли ва б.) таянчлар кўзда тутилиши керак.

5.15 Электротермик усули арматурани тортишда, поддон стенд ва қолипларнинг таянчларига эркин жойлашишини ва арматурани белгиланган узунликда кенгайишини таъминловчи ҳамда арматурани қолипларга қиздиришни ва ётқизишни таъминловчи автоматлаштирилган қурилмалардан фойдаланиш керак. Шунингдек пўлатни маркасига мос келувчи лойиха хужжатларида ўрнатилган арматурани қиздириш ҳарорат чегарасини назорат қилиш амалга оширилиши керак. Электроиссиқлик усулида арматуранинг кенгайиши уларнинг қолип таянчларига иссиқ ҳолатдан эркин жойлашувини таъминлаш керак.

Арматурани тортиш жараёнидаги зўриқишиларни назорат қилиш ШНҚ 2.03.01 ва ГОСТ 10922-2012 талаблари асосида амалга оширилиши керак.

5.16 Арматурани электр механик тортишда, узлуксиз арматуралаш усулини қўллашда қолипни ёки узун ўлчамли стендларни таянчларини, плита

турдаги конструкциялар учун арматура тортувчи айланувчи платформадаги стационар агрегатларида ҳажмий элементлар учун ва узун ўлчамли конструкциялар учун ўзи юрар турдаги агрегатларда амалга ошириш керак.

Бетон қоришимасини ётқизиш ва зичлаш

5.17 Бетон қоришимасини қолипга борт қурилмаларига ётқизиш қоида бүйича қўл меҳнатини қўлламасдан (насадка, вибронасадка, питателлар, тебратиб ётқизувчи қурилмалар, воронкалар, плугли текисловчилар, тебранувчи тарновлар, валиклар ва бошқалар) узатувчи ва тарқатувчи қурилмаларга эга бўлган бетон ётқизувчи машиналар (бетоноукладчик) да амалга оширилиши керак. Айрим ҳолларда ноёб буюмларни тайёрлашда ёки кам серияли буюмларни ишлаб чиқаришда ўзи юрар рамаларга ўрнатилган бункерларда ёки бетон тарқатувчи машиналарда қориshmани ётқизишга рухсат этилади. Виброштамп ёки вибропресс усулида қолиплашда қолипланаётган буюм ҳажмига мос равишда бетон қоришимасини ётқизиш лозим.

5.18 Очиқ майдон шароитида бетон қоришимасини ётқизишда, бетон қоришимасини ва янги қолидан чиқарилган буюмларни атмосферанинг заарли таъсиридан сақлаш учун (қориshmанинг юзасини маҳсус усулларда ёпиб қўйиш, плёнка билан ёпиш, айвонларда саклаш) чора-тадбирлари амалга оширилиши керак.

5.19 Қолиплаш технологик режимини белгилашда қолипланаётган бетон қоришимасининг хоссалари (харакатланувчанлиги, қаттиқлиги) ва фойдаланаётган ускуналарнинг технологик параметрлари ўзаро боғланган бўлиши керак.

Ишлаб чиқаришни аниқ шароитларига мувофиқ (буюмларнинг геометрик ўлчамлари, конфигурацияси, мураккаблиги, куюқ арматураланганлиги ва б.) қолипловчи ускуналарни барқарор ишчи параметрларини белгилаш ва уларни корхонанинг тасдиқланган стандартлари, технологик хариталари ва бошқа хужжатларда бетон қоришимасининг харакатланувчанлиги, қаттиқлиги кўрсаткичларига мос келишини таъминлаш керак.

Хизмат кўрсатиш жараёнини енгиллаштириш, маҳсулдорликни ошириш ва бошка усуллар учун, цемент сарфини кўпайтирмайдиган пластиклаштирилган бетон қоришималаридан ташқари барча қоришималардан ўрнатилган тартибда қолиплаш ускуналарда белгиланган меъёрдаги кўрсаткичга нисбатан кўп харакатланувчан ёки кам қаттиқликдаги қоришималардан фойдаланишга рухсат этилмайди.

5.20 Бетон қоришимасининг қолиплаш режими қориshmанинг зичлантириш коэффициентини (унинг ҳақиқий зичлигини назарий ҳисобланган зичлигига нисбати): оғир бетон учун 0,98 дан кам бўлмаган; қаттиқ бетон қоришималаридан фойдаланилганда ва мос ҳолда асосланган майдадоналик бетонлар учун – 0,96 дан кам бўлмаган ҳолда таъминланиши керак.

Зичланган енгил бетон қориши масининг доналар орасидаги бўшлик хажми ГОСТ 25820-2000 талабларига мос келиши керак.

5.21 Ҳар хил буюмлар учун бетон қориши маларини осон жойлашувчанлиги ва қолиплаш усулларининг кўлланишини аниқ шароитлардан келиб чиқиб ва талабларга мос равишда, 1-жадвалда, кувурсимон кесимдаги буюмларни тайёрлашда 2-жадвалда келтирилган талабларга мос ҳолда белгиланиши зарур.

5.22 Бетон қориши маси билан контактдаги, ички ёки ташки виброусулда зичлантирилганда ёки курилмаларнинг ички органларини юзаси бўйича ташки ёки ички вибрацияларда қолип майдони бўйича амплитудани сурилиш тақсимланиши текис тарқалган бўлиши керак. Айрим нуқталарда амплитуданинг қийматининг ўзгариш чегараси 20% дан ошмаслиги керак.

5.23 Вибротамп ва вибропресс ва бошқа қолиплаш усулларида бетон қориши масига кичик юклар таъсирида ҳосил бўладиган статистик босим қиймати 0.025 МПа дан ошмаслиги керак.

5.24 Қаттиқ бетон қориши малари асосида буюмларни қатлами қолиплаш, кўп қатлами конструкцияларни монолит қатламларини ётқизиш ва шунингдек марказдан қочма куч таъсирида қолиплаш усули бўйича бетон қориши масининг тайёрлашдан то қориши манинг таркибидаги ортиқча сув микдорини чиқариб ташлашгача бўлган вақт, ваакумлаш усули ва шунга ўхшаш усулларда қолиплашда танаффузлар цемент қориши масининг қотиш муддатларини бошланиш вақтидан ошмаслиги керак.

5.25 Буюмларни ишлаб чиқаришда кўчма чуқурлик вибраторларида зичлантиришда, вибраторларни таъсир этувчи эффектив радиусини ҳисобга олган ҳолда участкаларда, юза вибраторларда эса тўхтовсиз доирада бир-бирига яқин ҳолатда ажратувчисиз қисмida амалга оширилиши керак.

5.26 Буюмларни тажриба-саноат ҳолатидаги қолиплаш усулларини кўллаш (бетон қориши масини босим остида оқиш усули, харакатланувчи шитлар усули, виброваакум усули, дам бериб сиқиши (нагнетание) ва бошқа суперпластификаторлар асосидаги қўйма қориши малар усули ва бошқалар) шунингдек янгидан ташкил этилган усулларни кўллаш факат тажриба текшируви тугаганидан сўнг ва аниқ буюмлар учун технологик регламентни ўрнатилган тартибда тасдиқлангандан кейин рухсат этилади.

1-жадвал

Буюм ва конструкциялар	Бетон қориши масининг қулай жойлашувчанлик диапозони қолиплаш вактида (зичлаштириш) харакатланувчанлик см, бикрлик (қаттиқлик), сек											
	вибромайдончалар			юза вибраторлар			ташки вибраторлар			ички вибраторлар		
	частотаси (50Гц) ли виброкурилма ва вибромайдонлар	частотаси (25Гц) ли вибромайдонлар	зарб вибромайдонлар	зарбли майдонлар	вибронасадкалар, вибротортилувчи курилмалар	вибропресслар	ролики курилмалар	юза вибраторлар	кассета ва хажмий колилловчи курилмалар	виброколилпар	чикурликтари	вибро- вкладкаларда
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Текис юзали конструкциялар												
Ора ёпма плиталар, ички девор панеллар	<u>1 – 4</u> -	<u>5 – 9</u> -	<u>1 – 4</u> -	<u>1 – 4</u> -	<u>1 – 4</u> -	-	= 31	<u>5 – 9</u> -	<u>10 – 15</u> -	-	-	-
Аэродром, йўл қоплама плиталар, деворларни кучлантирувчи элементлар	<u>—</u> <u>5 – 10</u>	-	-	-	-	-	-	<u>1 – 4</u> -	<u>1 – 3</u> -	-	<u>1 – 4</u> -	-
Бир катламли ташки девор панеллари, текис юзали ёки эшик ва деразали	<u>—</u> <u>5 – 10</u>	-	<u>—</u> <u>5 – 10</u>	-	<u>1 – 4</u> -	-	-	-	-	-	-	-
Ковургали, кесимли панеллар ва бошқа ковурғаси 25 см гача ва узунлиги 12 м гача элементлар (том ёпма плиталар, балкон плиталар ва бошқалар)	<u>1 – 4</u> -	<u>5 – 9</u> -	<u>1 – 4</u> -	<u>1 – 4</u> -	-	-	-	<u>10 – 15</u> -	-	-	-	-
Худди шундай, ковурғаси 25 дан ортиқ, узунлиги 12 м гача	<u>1 – 4</u> -	<u>10 – 15</u> -	<u>10 – 15</u> -	-	-	-	-	<u>10 – 15</u> -	-	-	<u>10 – 15</u> -	-
Худди шундай, узунлиги 12 м дан ортиқ	-	-	-	-	<u>1 – 4</u> -	-	-	<u>10 – 15</u> -	-	<u>1 – 4</u> -	<u>10 – 15</u> -	-
Ковакли плиталар (ораёпма ва шамоллатиш блоклар)	<u>—</u> <u>11 – 20</u>	-	-	-	-	-	-	-	<u>1 – 3</u> -	-	-	-
Тротуар плиталари	-	-	-	-	-	-	= 31	= 31	-	-	-	-

2. Чизиқлы конструкциялар												
Оддий профилли (қозиклар, ригеллар, перемичкалар, колонналар, устунлар)	<u>5 – 10</u>	<u>1 – 4</u> -	<u>5 – 10</u>	-	-	-	-	-	-	<u>1 – 4</u> -	-	-
Мураккаб профилли (тавр кесимдаги, құштавр кесимидағи балкалар, фермалар, икки консолли колонналар, ЛЭП таянчлари, мачталар баландлиги 80 смдан кам бетонлаштиришда	<u>1 – 4</u> -	<u>5 – 9</u> -	<u>1 – 4</u> -	-	-	-	-	-	-	<u>5 – 9</u> -	-	-
Худди шундай, бетонлаштириш баландлиги 80 смдан юқори	<u>5 – 9</u> -	<u>10 – 15</u> -	<u>5 – 9</u> -	-	-	-	-	-	-	<u>5 – 9</u> -	<u>10 – 15</u> -	-
Борт тошлари	-	-	-	-	-	-	31	31	-	-	-	-
Шпаллар	<u>21 – 30</u>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Умумий ёки маҳаллий түйинган арматурали конструкциялар	<u>5 – 9</u> -	-	-	-	<u>5 – 9</u> -	-	-	-	-	<u>5 – 9</u> -	<u>5 – 9</u> -	-
3. Фазовий ва юпқа деворли конструкциялар												
Гумбазли -панеллар	-	-	-	-	<u>1 – 4</u> -	-	-	<u>5 – 9</u> -	-	<u>5 – 9</u> -	-	-
Цилиндр шаклидаги резервуарларнинг қобиқлар, силослар, қудуклар, шахталар-нинг ўзаги ва гумбаз қобиқларнинг панеллари	<u>5 – 9</u> -	-	-	-	-	-	-	-	-	<u>5 – 9</u> -	-	-
Икки томонлама эгри гумбаз қобиқларнинг йығма элементлари	<u>1 – 4</u> -	-	-	<u>1 – 4</u> -	<u>1 – 4</u> -	-	-	-	-	<u>5 – 9</u> -	-	-
Хажмий элементлар (сан. тех. кабиналар, лифтлар шахталар)	-	-	-	-	-	-	-	-	-	<u>10 – 15</u> -	<u>10 – 15</u> -	-
Блок-хоналар	-	-	-	-	-	-	-	-	-	<u>15 – 20</u> -	-	-
Фундамент блоклари, девор ва шунга ўхшаш оддий конфигурациядаги буюмлар	<u>5 – 10</u>	-	<u>1 – 4</u> -	<u>5 – 10</u>	<u>5 – 10</u>	-	-	-	<u>1 – 3</u> -	-	-	-

Эсламма:

1. Ҳаракатлануучанлиги П3 марқадаги ва ундан юқори бетон қоришималарини чүкүрлик ва юза вибраторлар ёрдамида қолиплаш фақат кичик серияда буюмларни шилаб чиқарышда рухсат этилади.
2. Цемент сарғини күтпайшини олдини олиши маңсадида, паст частотали режимларда қолиплаш, пластиклаشتывчи құшимчалар билан амалга оширишига рухсат этилади.
3. Қаттиқлиги (бикрлиги) Ж2 маркадан юқори бетон қоришималардан вибромайдонларда буюмлар шунингдек қобиқлар, гумбаз элементларини бетон қоришимасининг қаттиқлиги (бикрлиги) Ж1 марқадаги бұлған ҳолларда вибромайдондаги бетон юзасига кичик размердаги юқ билан қолиплаш тавсия этилади.
4. Роликли қолиплашни фақат фазовий арматура каркаси бұлмаган қурилмалар учун құллаш лозим, агар фазовий арматура каркаси бұлған тақдирда құшимчалардан фойдаланылған ҳолларда рухсат этилади.
5. Қовурғали плиталар, панеллар шилаб чиқарышда қовурғанинг чүкүрлиги 25 см дан юқори бұлған ҳолатда вибраторлы технология құлланғанда, фақат конструкциянинг юқори юпқа қатламининг тайёрлаш тавсия этилади.
6. Ҳаракатлануучанлиги П3 маркалы бұлған бетон қоришимасини янги шиге тушируиладиган касетали қурилмаларда суперпластификаторсиз рухсат этилмайди.

2-жадвал

Қолиплаш усули	Ускуна	Буюм қолиплашдаги бетон коришамсининг ҳаракатланувчанлиги ва бикрлиги, см, сек.	
		Нормал арматураланган	Қуюқ арматураланган
Марказдан қочма күч тасирида қолиплаш	Эркин-роликли центрефуга	-	П2
	Тасмали центрефуга	П1	П2
Марказдан қочма прокат	Марказдан қочма прокат машиналар	Ж5	Ж4-Ж5
Радиал ва ўқ бўйича пресслаш	Пресслаш учун станоклар	Ж5	Ж4

Қолиплаш жараёнида пардозлаш

5.27 Горизонтал ҳолатда қолипланувчи буюмларни очиқ юзаларини силлиқлаш махсус ускуналар: текисловчи бруслар, рейкалар, валиклар, дисклар ва бошқа ускуналар билан жиҳозланган, бетон қоришимаси қотгандан кейин қўшимча пардоз талаб этилмайдиган ёки аниқ турдаги тайёр буюм юзасини стандарт ёки техник шартлар талаблари бўйича сифатни таъминловчи пардозлаш машиналарида амалга оширилиши керак.

5.28 Силлиқлаш машинаси ишчи қисмларининг асосий параметрлари (ўлчамлари, тезлиги, бетон қоришимасига таъсир этаётган солишиштирма босим) ва қориshmанинг қулай жойлашувчанлиги З-жадвалда келтирилган кўрсаткичларга мос келиши керак. Харакатланувчи қориshmалардан тайёрланган буюмларни қолиплангандан сўнг, бетон қоришимасини пардозлаш учун керакли структуравий мустаҳкамликка еткунга қадар маълум вақтинча ушлаб турилиши керак, қоида бўйича бу вақт 30 минутдан кам бўйласлиги керак.

5.29 Силлиқ юза ҳосил қилиш учун (ўлчамлари энг кичик ва сони энг кам ғовакликлардаги) қолиплаш вақтида поддонлар ва стендларга туташиш чегараларида, ишлаб чиқаришнинг аниқ шартларини хисобга олган ҳолда махсус технологик йўллар ва усуллардан фойдаланиш, шу жумладан: қориshmани етқизишдан олдин қолипнинг пастки қисмига ОЭ-2 турдаги эмульсия мойлаш таркиблари билан қўйма цемент қоришимасидан таркиб топган тўшама қатлами, коллоид-цемент қоришимаси ёки елим, шунингдек бетон қориshmасининг пастки қатлами сувли пластиклаштирилган усулдан фойдаланиш;

харакатланувчан бетон қоришимаси билан биргаликда толали компонентлар асосидаги эмульсия мойлаш таркибларидан фойдаланиш; поддонларга махсус пасталар ётқизиш;

бетон қориши масини зарбли ва бошқа режимларда зичлаш вактида шишапластик ёки полимер қопламали темирбетон поддонларидан фойдаланиш;

бетон қориши масини зичлаштиришда юкори частотали режимлардан фойдаланиш.

5.30 Биноларнинг фасад қисмини безакли пардоз қилиш усулларини танлашда (рангли бетонлар, шиша ёки керамик плиткалар, декоратив релефли ва бошқалар) буюмларга стандартлар, лойиха ҳужжатлари ва қабул қилинган технологик қолиплаш йўллари (юзаси пастга ёки юкорига)ни индустримальлаштириш ва умрбоқийликни таъминлаш учун белгиланган архитектура-техник талабларга мос равишда амалга оширилиши керак. Фасад юзасини турли хил усуллар билан пардозалиш жараёнидаги параметрлар ва технологик регламент меъёрий-техник ҳужжатларга мос келиши керак.

3-жадвал

Силлиқловчи машинанинг ишчи органларини асосий параметрлари

Ишчи орган	Вазифаси	Ишчи органнинг муайян ўлчамлари, мм	Тезлик			Силлиқланадиган юзага солишиб тирма босим	*Бетон қориши масининг қулай жойлашувчанлиги бўйича маркалари сек, см
			бўйлама ҳаракат м/мин	кўнда-ланг ҳаракат м/мин	ишчи органнинг ҳаракати		
Бориб-келувчи ҳаракатдаги брусл	Калибрлаш, бирламчи силлиқлаш	Кенглиги 150-300	0,6 – 1,5	-	60 – 180 юриш/мин, бир юришда 60 – 150 мм суриш	0,3-0,5 кПа (30 - 50 кг/с ²)	Ж1 ёки П3-П4
Валик	Калибрлаш, бирламчи ва охирги силлиқлаш	Диаметр 140-250	1 – 3,5	-	5 – 6 м/с	1 - 2 кН/м (100 - 200 кг/см ²)	Ж1 ёки П1
Диск	Охирги силлиқлаш	Диаметр 800-1000	5 – 8	4 – 6	9 – 15 м/с	0,4-1,2 кПа (40 - 120 кг/см ²)	Ж1 ёки П1

Изоҳ: * - бетон қориши масининг қулай жойлашувчанлиги, буюмнинг ишлаб чиқарии технологик талабларига мувофиқ белгиланади.

Дархол ёки тезликда қолипдан күчириш

Буюмларни қолипсиз қолиплаш усули

5.31 Қаттиқ бетон қоришималаридан қолипланадиган, нисбатан оддий бир хил буюмларни қўплаб тайёрлашда, технологик қолип ускуналарида металл сарфини имкон даражасида камайтириш, у билан боғлик фойдаланиш ва асосланган ҳолда меҳнат сарфини камайтириш учун буюмни қолиплангандан сўнг дархол қолип ускуналарини ечиб олиш йўли билан қолипни бўшатиш (даврий жараёнларда) ёки қолипларнинг борт ускуналарисиз қолиплашда (узлуксиз жараёнларда) тайёр буюмларни геометрик аниқлиги ва бошқа хусусиятларини ўрнатилган тарибда барча талабларини сақлаган ҳолда риоя қилиниши лозим.

5.32 Кенг миқдорда ўзгарувчан номенклатурада оммавий буюмларни ишлаб чиқаришда ва ўртача қаттиқлик ва кам харакатланувчан бетон қоришималаридан 5.31-банддаги мақсадлар учун асосланган ҳолда, тезкор қолипдан бўшатиш (қисман тезкор, босқичма-босқич ёки комбинация усули)

усулидан фойдаланиш, уларни қолиплангандан сўнг дархол алоҳида вкладишлари ёки борт ускуналарини айрим элементлари ечилади, а бошқа элементлари (профил ташкил этувчи ва бошқалар) янги қолипланган буюмларни иссиқлик ишлов беришдан олдин қиска вакт 0,5 – 2 соат давомида ушлаб туришдан кейин ечилади.

5.33 Буюмларни ишлаб чиқаришда дархол ёки тезкор қолипдан ечиш усулларини ва шунингдек қолипларни борт ускуналарисиз қолиплаш усулларини қўллашда, янги қолипланган буюмларнинг массаси орқали кўйилган босими ва қолипдан чиқариш, зичланган бетон қоришимаси структура мустаҳкамлиги билан узвий боғланган бўлиши керак.

Бунда тажриба йўли билан аниқланган бетон қоришимасининг зичлантириш мустаҳкамлиги, олдиндан ушлаб туриш, ваакумлаш, қотишни тезлаштирувчи қўшимчалар қўшиш ва бошқа йўллар билан зичлаштириш жараёнини тезлаштириш ва қориshmанинг қаттиқлигини оширишга эришиш, тадбиқ этилган тажрибавий қолиплаш натижалари билан қабул қилиниши керак. Барча ҳолатларда зичланган қориshmанинг структуравий мустаҳкамлиги 0,1 МПа дан кам бўймаслиги, қолипдан кўчириш кучини йўналтириш қоида бўйича қолипдан кўчирилаётган буюмларнинг юзасини сурилишига нисбатан борт ускуналарини ажралиши шартларига нисбатан белгиланиши керак.

5.34 Қолипнинг борт ускуналарисиз бетон қоришимасини кўйишда, дархол ва тезликда қолипдан бўшатишда қуйидагилар таъминланган бўлиши керак:

арматура каркаслари ускуналарига bemalol кириш;

поддонларда янги қолипланган буюмларни кескин силтамай оҳиста бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, уларни пардозлашда кичик миқдорда босим берилиши керак.

5.35 Узун размердаги стендларда борт ускуналарисиз қолиплаш усулида, юзаси текис ва ковакли арматураси олдиндан зўриқтирилган конструкцияларни ишлаб чиқаришда, узун ўлчамли ва сифатига юқори талаб қўйиладиган ҳолларда, қаттиқлиги 15 секунддан кичик бўлмаган ва қолиплаш тезлиги 1м/мин дан кам бўлмаган қоришмалардан фойдаланиш тавсия этилади.

6. БУЮМЛАРГА ИССИҚЛИК ИШЛОВ БЕРИШ

Умумий талаблар

6.1 Буюмларга иссиқлик ишлов бериш, ёқилғи энергетик ресурсларини энг паст миқдорда сарфлашни таъминлайдиган ва бетонга белгиланган қолипдан кўчириш, зўриқтирилган арматура кучларини узатиш ва лойиҳадаги мустаҳкамликни таъминловчи иссиқлик агрегатларидағи амалга оширилиши керак. Шунингдек бетон таркибини танлашда ШНҚ 5.01.23 да белгиланган талаблардан ташқари лойиҳада белгиланган бетоннинг мустаҳкамлик бўйича классини қисқа вактда таъминлаш учун цемент сарфини кўпайтиришга руҳсат этилмайди.

6.2 Бетонга зўриқтирилган арматуранинг кучларини узатиш ва лойиҳада белгиланган мустаҳкамликларининг кўрсаткичлари буюмга стандарт ва лойиҳа хужжатларида белгиланган ва ГОСТ 18105-2010 талабларини ҳисобга олган ҳолда риоя қилинади, қолипдан чиқариш мустаҳкамлигини қиймати, ҳар қайси турдаги буюмлар учун, қолипдан чиқариш, зўриқишиларни узатиш ва лойиҳадаги мустаҳкамликка эришиш шартлари ва муддатлари ишлаб чиқаришни аниқ шароитларига мос ҳолда белгиланиши керак.

6.3 Конструкцион-теплоизоляцион енгил бетон асосида буюмларга иссиқлик билан ишлов беришда, 6.1 ва 6.2-бандларда кўрсатилганлардан ташқари бетонларнинг чиқариш намлиги таъминланиши керак ва бу кўрсаткич ГОСТ 13015.0-2012 да белгиланган кўрсаткичдан ошмаслиги керак, зўриқтирилган бетон асосидаги буюмлар учун эса белгиланган ўз ўзини зўриқтириш таъминланиши керак. Бетоннинг намлиги ГОСТ 12730.2-78 талаблари асосида аниқлаш амалга оширилади.

6.4 Буюмларга иссиқлик билан ишлов бериш даврини қисқартириш ва қолипдан фойдаланиш коэффициентини ошириш учун қотишни тезлаштирувчи кимёвий қўшимчалар, тез қотувчи цементлар, бетон қоришмасини олдиндан қиздириш ёки электр қиздириш, икки босқичли иссиқлик ишлов бериш ва бошқа усуллардан техник-иқтисодий асосланган ишлаб чиқариш схемалардан фойдаланиш тавсия этилади. Кучлантирилган қолипда олдиндан зўриқтирилган конструкциялар учун икки поғонали иссиқлик ишлов бериш маҳсус асосланган ҳолда руҳсат этилади.

Иссиқлик агрегатлари

6.5 Иссиқлик агрегатлари (даврий ёки узлуксиз ишлайдиган камералар, шу жумладан чуқурлик (ўра), туннел, тирқиши, термоформалар, кассетали стендлар, гелиоқолиплар) ва иссиқлик узатувчилар, иссиқлик буғи (пар), иссиқ сув, электр энергияси, иссиқ ҳаво, табиий газ ёнишидан ҳосил бўлган иссиқлик, юқори ҳароратли мойлар, қуёш энергияси ва бошқалар)ни танлаш харакатдаги, меъёрий хужжатлар асосида иклимий шароитлар, ишлаб чиқариш усуллари (конвейр, агрегат-оким, стенд) хамда техник-иктисодий самарадорликни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

6.6 Конструкцион-теплоизоляцион енгил бетонлар асосидаги буюмларни иссиқлик ишлов бериш жараёни қуруқ қиздириш камералари ёки термоқолипларда, кучлантирилган қолипларда тайёрланадиган арматураси олдиндан зўриқтирилган конструкцияларни туннел ёки бир ярусли чуқурлик камераларида амалган оширилиши керак.

6.7 Иссиқлик ишлов беришда иссиқлик энергиясини сарфини меъёрида сарфлаш мақсадида иссиқлик энергиясини сарфини оператив равишда ҳисобга олиш, иссиқлик камераларининг хажмидан тўлиқ фойдаланиш, камераларни тўлдириш коэффициентини қўпайтириш ва иссиқлик йўқотиши жараёнларини максимал даражада камайтириш чораларини таъминлаш зарур.

6.8 Иссиқлик қурилмалари, талаб қилинган миқдордан иссиқлик билан таъминлашни, берилган тажрибада иссиқлик энергия сарфини автомат асбобларда ҳисобловчи, ҳарорат ва намлик режими тартибга солувчи асбобускуналар билан жиҳозланиши керак.

6.9 Иссиқлик ишлов бериш учун янги ва харакатдаги агрегатларни реконструкция қилишни бунёд этилганда, иссиқлик энергиясини тежаш ва уларни йўқотиши олдини олиш, камераларнинг иссиқлик изоляциясини яхшилаш, термоқолиплар ва кассета қурилмасининг иссиқлик изоляция тўсикларида иссиқликни йўқотиши олдини олиш ва камераларни тўсиқ конструкцияларини енгил бетондан тайёрлаш, чуқурлик камераларини иссиқлик изоляция қатламларини гидроҳимоя қилиш, туннел камераларининг чекка қисмларида ишончли зичлаштириш (герметизация) чора тадбирлари кўзда тутилиши керак.

Иссиқлик ишлов бериш режими

6.10 Иссиқлик ишлов бериш режимини танлаш унинг энг оптималь муддатга ва режимнинг алоҳида қисмларининг ҳарорат-намлик параметрларига қараб белгиланиши керак: қолиплангандан кейин маълум вақтгача ушлаб туриш, ҳароратни кўтарилиши изотермик қиздириш (шу жумладан термос усулида ушлаб туриш) ва совутиш жараёнларида белгиланган параметрларни автоматик равишда бошқариш системаларида фойдаланиш керак.

6.11 Қолиплангандан кейин бетон қоришмасини олдиндан ушлаб туриш муддати ишлаб чиқариш шароитларидан келиб чиқиб белгиланиши керак, лекин қоида бўйича 4-жадвалда белгиланган вақтдан кам бўлмаслиги керак. Кам босимли ва индукцион камералардан фойдаланиш, кассета курилмалари, олдиндан қиздирилган қоришмалар ёки ҳароратни кўтариш жараёнини камайтирилган намлик шароитларида амалга оширишда шунингдек дисперс арматуралаш кўлланган қаттиқ бетон қоришмалари асосида буюмлар ишлаб чиқаришда, иссиқлик ишлов бериш олдиндан ушлаб туриш вақтсиз амалга оширишга рухсат этилади. Арматураси олдиндан зўриқтирилган конструкциялар ишлаб чиқаришда иссиқлик ишлов бериш режимини олдиндан ушлаб туриш давомийлиги 1 соатдан ошмаслиги керак.

6.12 Иссиқлик ишлов бериш режимиning ҳароратни кўтариш жараёни камераларда ва иссиқлик қолипларида амалга оширилганда, ҳароратни кўтариш тезлигини белгилаш ишлаб чиқариш аниқ шартлари, конструкция буюмларини катталиги (бирқатламли, кўпқатламли ва бошқалар) ҳажмини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш керак, лекин 4-жадвалда белгиланган кўрсаткичдан ошмаслиги керак. Шунингдек маҳсус иссиқлик ишлов бериш усуллари татбиқ этилиши (термоюқ, юқори босимли камералар ва бошқалар) бундан мустасно. Муҳитни ҳароратини кўтариш доимий кўпаювчи тезлик ёки поғонали тезлиқда (олдиндан зўриқтирилган конструкциялардан ташқари) кўтаришга рухсат этилади.

Кучлантирилган қолипларда арматураси олдиндан зўриқтирилган конструкцияларни ишлаб чиқаришда, ҳароратни кўтариш жараёнида бетонинг мустаҳкамлигини ўсишини секинлаштирувчи, пластиклаштирувчи кимёвий қўшимчалардан фойдаланиш зарур.

6.13 Изотермик қиздиришнинг ҳарорати ва давомлийлигини танлаш ва белгилаш, бетон тури, иссиқлик ишлов бериш жараёнида цементнинг самарадорлиги ва активлиги, унинг иссиқлик ажратиш қўрсатишни ва буюмнинг йириклигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Енгил конструкцион, майдадоналиқ, оғир бетонларни портландцемент ва тез қотувчи цементлар асосида буюмларни ишлаб чиқишида изотермик қиздиришнинг энг юқори ҳарорати $80-85^{\circ}\text{C}$ ва шлакопортландцемент ишлатилганда $90-95^{\circ}\text{C}$ дан ошмаслиги керак. Конструкцион-теплоизоляцион енгил бетон асосида буюмларга иссиқлик ишлов бериш жараёнида, буғ билан ва табиий газ ёнишидан ҳосил бўлган маҳсулотлар билан қиздирилганда, изотермик қиздириш ҳароратини $90-95^{\circ}\text{C}$ гача ва электриситкич бошқа иситиш ускуналарда қуруқ қиздириш кўлланилганда $120-140^{\circ}\text{C}$ гача кўтариш тавсия этилади. НЦ-10 маркадаги цементдан фойдаланиб кучлантирувчи бетон асосидаги буюмларга иссиқлик ишлов бериш жараёнида муҳитнинг максимал ҳарорати 85°C дан ва НЦ-20 ҳамда НЦ-40 цементларидан фойдаланилганда $70-80^{\circ}\text{C}$ дан ошамслиги керак.

6.14 Буюмларга иссиқлик ишлови бериш жараёнида изотермик қиздириш давомийлигини белгилашда қўшимча иссиқлик узатишсиз (ёки иссиқлик йўқотишни компенсацияси учун иссиқлик узатиш) иссиқлик агрегатларига бетон мустаҳкамлигини ўсишини ҳисобга олиш, сменалар аро танаффуслар даврида, цехда охирига етказиш қўйиладиган ишларни бажариш вақтида ва иситилган омборларда сақлаш вақтида ҳисобга олиниши керак.

Ишдан ташқари вактларда иссиқлик агрегатларига буюмларни қиздиришда изотермик қиздириш вақтини тугашидан 2 – 3 соат олдин иссиқликни узатишни тўхтатиш ёки қиздириш ҳароратни 10-15°C га пасайтириш керак.

6.15 Оғир бетон асосидаги буюмларни камераларда изотермик қиздиришдан сўнг совутиш тезлиги, қоида бўйича 300°C соатдан ошамслиги керак, сув ўтказмаслик ва совукқа бардошлик хоссалари бўйича юқори талаблар белгиланган ҳолларда, ҳамда кўпқатламли ва пардозқатламли зўриқтирилган ва майдадоналик бетонларга иссиқлик ишлов беришда 200°C соатдан ошмаслиги керак.

Қотирилган буюмларни иссиқлик камераларидан чиқариш вақтида, ташқи муҳит ҳарорати ва буюмнинг юзасидаги ҳароратларни фарқи 40°C дан ошмаслиги керак.

6.16 Оғир, майдадоналик, конструкцион-енгил ва зўриқтирилган бетонлар асосидаги буюмларга иссиқлик ишлов бериш жараёнида изотермик қиздириш даврида камеранинг нисбий намлиги 90-100% кўрсаткичда камерада ҳароратни кўтариш табиий газ ёнишидан ҳосил бўлган маҳсулотлар ёрдамида бажарилса камеранинг нисбий намлиги 20-60% шароитида, кейинчалик изотермик қиздириш даврида намликни 80% дан кам бўлмаган шароитларда амалга оширилиши керак. Камералардаги нисбий намлик 80% дан кам бўлган ҳолларда бетон буюмлари юзасидан намликни чиқиб кетишини олдини олиш чора-тадбирлари кўзда тутилиши керак. Конструкцион-теплоизоляцион бетон асосидаги буюмларга иссиқлик ишлов бериш вақтида камерадаги нисбий намликни 20-60% атрофига сақлаб туриш зарур.

6.17 Кассета қурилмаларида буюмларга иссиқлик ишлов бериш жараёнида буюмларни қиздириш бир хилда текис амалга оширишни таъминлаш керак. Кассетанинг иссиқлик бўлинмаларида ҳарорат 90-95°C ни ташкил этиши керак. Шу билан бирга ҳароратни кўтариш тезлиги 60-70°C соатни ва изотермик қиздиришни икки даврга бўлган ҳолда: иссиқлик буғ (пар)ни иссиқлик бўлинмасига узатиш ва термос усулида иссиқлик буғ (пар)ни узатмай ушлаб туриш; ушбу даврларнинг давомлийлигини меъёрий-техник ҳужжатлар талаблари ва бетонниг мустаҳкамлигини бўйича класси, тuri ҳамда буюмнинг қалинлигини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш лозим.

6.18 Икки босқичли иссиқлик ишлов бериш: биринчи босқич қолипдан бўшатиш мустаҳкамлигини олиш учун ва иккинчи босқич буюмни чиқариш ва арматура зўриқишлирини бетонга узатиш мустаҳкамликларига эришиш

меъёрий талабларни ҳисобга олган ҳолда тажриба йўли билан ўрнатилган режим орқали амалга оширилиши лозим.

6.19 Бетон қоришимасини олдиндан буғ ёки электр энергияси билан қиздириш усулидан фойдаланилганда, қоришиманинг ҳарорати қоидা бўйича 60°C дан ошмаслиги керак. Бунда ҳар хил агрегатларда келгуси иссиқлик ишлов бериш давомийлиги камида 1 соатга қисқартириш лозим. Буюмни қолиплаб то иссиқлик ишлов бериш бошлангунга қадар вақт 20 минутдан ошмаслиги (қоришиманинг совишини олдини олувчи маҳсус тадбирларсиз) керак. Зўриқтирилган бетондан тайёрланган буюмлар учун қоришимани олдиндан қиздириш рухсат этилмайди.

Жадвал-4

Қолиплангандан сўнг иссиқлик ишлов бергунга қадар бетонни ушлаб туриш давомийлиги ва ҳароратни кўтариш тезлиги

Бетон турлари	Иссиқлик ишлов бериш усуллари	Олдиндан ушлаб туриш, соат, кам бўлмаган	Бетоннинг бошланғич мустахкамлиги, МПа	Мухитда ҳароратни кўтариш тезлиги °C/соатдан кўп бўлмаган
Оғир ва енгил конструкцион	камераларда буғ билан ишлов бериш	1	0.1гача 0.1-0.2 0.2-0.4 0.4-0.5 0.5дан юқори	15 25 35 45 60
Оғир олдиндан зўриқтирилган конструкцияларни тайёрлашда: - стендларда (иссиқлик ишлов беришда арматурани тортишини тартибга солувчи ускунасиз) - кучлантирилган қолипларда	камераларда буғ билан ишлов бериш	1	0.2дан ортиқ	35
		1	0.2 гача	60
Енгил конструкцион – иссиқликдан муҳофаза қилувчи	- камераларда куруқ қиздириш, - термоқолипларда буғ билан ишлов бериш, - камераларда буғ билан ишлов бериш	1 2 3	- - -	50 40 30

6.20 Индукцион камераларда қуюқ арматураланган буюмларга иссиқлик ишлов бериш (ригел, балкалар, колонналар, ораёпма ва қоплама плиталар. ЭУЙ нинг таянчи, кувур ва бошқалар), меъёрий–техник ҳужжатларга биноан пасайтирилган нисбий намлик режимида қиздириш шароитини қўллаш лозим.

6.21 Стендларда ва кучлантирилган қолипларда тайёрланган арматураси олдиндан зўриқтирилган конструкцияларга иссиқлик ишлов бериш жараёнида ёриклар пайдо бўлишини олдини олиш бўйича ишчи чизмада кўрсатилган чора-тадбирлар назарга олиниши керак. Стендларда буюм ишлаб чиқаришда камералардаги ҳарорат билан таянчлардаги ҳарорат фарқи 65 °C дан ошмаслиги керак.

6.22 Бетоннинг қотиш жараёни тезлаштириш ва ёқилғи-энергетик сарфларни камайтириш мақсадида очик полигонларда стенд қолипларида буюмларни ишлаб чиқаришда, техник иқтисодий асосланган холда, гелио иссиқлик ишлов бериш технологиясидан фойдаланиш тавсия этиладаи.

6.23 Йиғма темирбетон конструкциялари ва буюмларини котишни тезлаштириш усулларисиз (табиий қотириш жараёни) ишлаб чиқариш (тайёрлаш), курилиғш майдонлари шароитларида рухсат этилмайди.

7. БУЮМЛАРНИ ҚОЛИПДАН ҚЎЧИРИШ, САЙҚАЛЛАШ, САҚЛАШ ВА ТАШИШ

7.1 Буюмга иссиқлик ишлов беришда кейин уни қолипдан қўчиришни, бетон қолипдан қўчириш мустаҳкамлигига эришганидан сўнг амалга ошириш лозим. Шу билан бирга қолипни бортларини очиш маҳсус машина ва механизациялаштирилган қўл асбобларида амалга оширилиб, буюмни поддондан олиб уни ишчи ҳолатга келтириш ва сайқаллаш учун тайёрлаш маҳсус кранлар ёки кантовател ёрдамида амалга оширилиши лойиха ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида амалга оширилиши керак.

7.2 Арматураси олдиндан зўриқтирилган буюмлар учун арматуранинг зўриқишлигини иссиқ бетонга узатиш бетоннинг лойихада кўрсатилган мустаҳкамлик чегарасига, 70% дан кам бўлмаган ҳолатда амалга оширилиши керак, бунда ҳароратни пасайтириш тезлиги 15°C дан ошмаслиги керак. Арматурани кесиш ва унинг зўриқишлигини бетонга узатиш тартиби (барча арматура элементлари ёки группа учун бир вактда, алоҳида элементлар ёки группа учун навбат билан) буюмларни технологиясига ва арматура классига боғлиқ холда, домкратлар, понали, таянчли ва бошқа ускуналар ёрдамида амалга ошириш керак.

Арматурани кесишни газ кислородли горелкада, олмос дискли ёки дискли аррада кесишга рухсат этилади. Стерженли арматуранинг диаметри 18 мм дан ортиғини кучланишларини дархол бетонга узатишга рухсат этилмайди.

7.3 Қолиплаш қаторларидан олинган буюмларни зарурат бўлганда маҳсус пардоzlаш ва комплектлаш постларида ёки механизациялашган

асбоблар, механизм ва машиналар билан жихозланган конвейр линияларда сайқалашни амалга ошириш керак.

7.4 Буюмларни охиригача сайқаллаш ва комплектация қилиш уларни стандартлар ва техник талабларда белгиланган барча зарурий ишларни мукаммал меъёрига етказиб юқори завод тайёргарлигини таъминлаш, шу жумладан:

- қўшимча шпатлевка, юзасини силлиқлаш, дурадгорлик буюмларини ўрнатиш, агар бу ишлар бажарилмаган ёки охирига етказилмаган бўлса;
- буюмнинг сиртидаги ва қирраларида камчиликларни бартараф этиш, қўшимча арматура юзалари ва ғадир будирларни цемент қоришмасидан тозалаш, учган ва ўйикларни таъмирлаш ва бошқа нуқсонларни бартараф этиш;
- қолиплаш вақтида вужудга келган фасад юзаларидаги нуқсонларни бартараф этиш;
- гидроизоляцион қопламаларни суртиш, герметик композицияларни инекция қилиш;
- ҳимоя қобиғини ташкил этиш (торкret бетон, цемент қоришмасини сепиш ва бошқа усуллар билан);
- лойиҳадаги хужжатларга биноан буюмларни бутловчи қисмлар билан таъминлаш.

Буюмларни силлиқлаш ишларини охири ва технологик регламенти тасдиқланган технологик хариталар ва бошқа технологик хужжатларга мос келиши керак.

7.5 Ташқи хавонинг харорати 0°C дан паст бўлганда буюмни қолипдан олингандан кейин тайёр буюм омборига етказиб боргунча иссиқ хонада 10°C дан кам бўлмаган хароратда б соатдан кам бўлмаган вақтда ушлаб туриш керак.

7.6 Заводнинг техник назорат бўлими (ОТК) томонидан қабул қилинган тайёр бетон ва темирбетон буюмларини сақлаш ва ташиш конкрет буюм турлари учун стандарт талаблари ва техник шароитлар талабларига ва ГОСТ 13015.4-2012 талаблари асосида амалга оширилиши керак.

7.7 Тайёр буюмлар омборида тайёр буюмлар захираси, ўтиш ва юриш кенглиги, штабеллар баландлиги аниқ буюмлар турига мос холда стандартлар ва техник шароитларга мос келиши керак.

8. СИФАТ НАЗОРАТИ

8.1 Буюмларнинг сифат назорати корхонанинг лабораторияси ва техник назорат бўлими томонидан амалга оширилади, бунда корхонага келтирилган хом ашё материалларни, қабул қилиш назорати, технологик жараёнларини кетма кетлигини бажариш операцион назорати ҳамда буюмлар структурасини бузмай аниқланадиган усулларни ўз ичига олган тайёр буюм ва конструкцияларни қабул қилиш назорати амалга оширилади.

8.2 Келтирилган хом ашё материаллар ва буюмларнинг сифат кўрсаткичи кириш назоратида паспортлар ва сертификатлар асосида аниқланиши керак, шунингдек назорат синовлари, уларнинг тури ва даврийлиги корхонанинг сифат бошқариш стандартлари ёки ишлаб чиқариш технологик хариталари орқали белгиланади.

8.3 Кириш назоратида цемент ва тўлдирувчиларнинг сифатини, бетон таркибини тартиби солиш ва буюмлар сифатини белгиловчи талаблар кўрсаткичларни таъминлаш мақсадида корхонага келтирилган хар бир партияни хоссаларини ўрганиш зарур: цементнинг иссиқлик ишлов берилгандан кейинги активлиги, нормал қуюқланиши ва қотиш муддатлари, зич тулдирувчиларнинг доналиқ таркиби ва ифлосланиш даражаси, тўкма зичлиги, ғовак тўлдирувчиларнинг доналиқ таркиби ва мустаҳкамлиги.

8.4 Технологик асосий жараёнлар аро операцион сифат назорати ўз ичига қуйидагиларни олиши керак:

- тўлдирувчиларнинг намлигини баҳолаш, доналиқ даражаси, тўкма зичлиги (енгил бетонлар учун) ва тарозида тортиш (дозирование) аниқлиги;
- арматура элементлари ва қўшимча арматура буюмларини (закладные детал) тўғри ва аниқ тайёрланиши;
- бетон қоришимасини қоришириш давомийлиги;
- тайёрланган бетон қоришимасининг хоссалари (харакатлашувчанлиги ёки бикрлиги, енгил бетонлар учун ўртacha зичлиги, сўрилган ҳаво хажми, харорати) ГОСТ 7473-2010 талабларига мувофик;
- қолипларнинг геометрик размерлари ва йиғилган қолипнинг ҳолати;
- қолипга мой маҳсулотларини сепиш ва мойлаш сифати;
- арматура буюмлари ва қўшимча арматура элементларини жойлаштиришни аниқлиги, арматуранинг химоя қобигини фиксаторлар ёрдамида маҳкамлаш аниқлиги;
- арматура анкерларини мустаҳкамлиги, унинг чўзиш (таранглаш, зўриқтириш) кўрсаткичи, анкер қаллагини (головка) арматура зўриқишлирини бетонга узатиш олдидан ҳолати;
- арматура буюмлари ва қўшимча арматура элементларини коррозиядан химоя қилиниши;
- қолиплаш жараёнида белгиланган режимлар (зичлаштириш коэффициенти, бетон қатламишининг қалинлиги, қолиплаш вақти, тебранишлар сони амплитудаси узлуксиз қолиплаш тезлиги ва бошқалар);
- гидроизоляцион ва иссиқлик материаллари, безак метериаллари, бутловчи буюмларни тўғри жойлаштириш ва ётқизиш;
- қолиплаш жараёнида буюмларни безаш сифати;
- зичлаштирилган бетон қоришимасини структуравий мустаҳкамлиги ва буюмларни қолипдан тезлаштирилган ёки бир зумда ечиш параметрлари
 - буюмларга иссиқлик ишлов бериш режимини;
 - буюмларни қолипдан ечиш мустаҳкамлигини ва қоришириш жараёни тугагандан сўнг уларни қолипдан ечиш режимини;

- буюмларни юқори завод тайёргарлигини таъминлаш учун чора тадбирларни амалга ошириш сифатини;
- тайёр буюмларни омборларга жойлаш ва сақлаш сифатини.

8.5 Технологик жараёнлараро операцион назоратни ташкил қилиш ва унинг даврийлигини ҳамда утказиш усулларини белгилаш, корхонанинг сифат

бошқариш стандартлари ёки ишлаб чиқаришнинг технологик хариталари, ишлаб чиқарилаётган буюм ва конструкцияларни турига қараб, шунингдек қабул қилинган технологияга қараб амалга оширилади.

8.6 Тайёр буюмлар сифатини қабул қилиш назорати ва уларни маркировка қилиш ГОСТ 13015-2012 шунингдек аниқ турдаги буюмларнинг стандартлари ёки техник шароитлари талабларига мос холда амалга оширилиши лозим.

8.7 Тайёр буюмларни синашдаги ва назорат қилишдаги асбоб-ускуналар стандартлар талабига мос келиши ва метрологик ташкилотлар томонидан ўрганилган тартиб бўйича текшириб турилиши керак.

8.8 Техник назорат бўлими томонидан қабул қилинган (доимий кўприк конструкциялари учун шунингдек кўприк конструкцияларини монтаж қилиш ва назорат Инспекция томонидан) истемолчига юбориладиган буюмларга, уларнинг сифатини кўрсатувчи ГОСТ 13015-2012 ва О'зDSt 667-96 талабларига мос келувчи ҳужжат берилиши керак.

9. МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА АТРОФ МУҲИТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ТАЛАБЛАР

9.1 Буюмларни ишлаб чиқаришдаги хавфсизлиги, мос келадиган технологик жараёнларни танлаш, ишлаб чиқариш ускуналарини ишлаш режимлари ва усуллари, уларни рационал жойлаштириш, сақлашни рационал турларини танлаш, хом ашё материаллар ва тайёр буюмларни ташиш, ишчиларни ўқитиш ва малакали танловдан ўтказиш ҳамда воситаларини кўлланишини таъминлаш зарур. Ишлаб чиқариш жараёнлари ГОСТ 12.3.002-76*, ишлатилаётган жихозлар ГОСТ 12.3.003-86* ларга мос келиши керак.

9.2 Йиғма темирбетон буюмларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча ишлар ШНҚ 3.01.02, шунингдек мутасадди ташкилотларнинг техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига мос келиши керак.

9.3 Хом ашёларни ортиб-тушириш ва омборхона ишларини ташкил қилиш хавфсизлиги усуллари ГОСТ 12.3.009-76* талабларига мос келиши керак. Ишлаб чиқариш хавфсизлиги тартиби ва усуллари технологик хариталарда белгилаб берилиши керак.

9.4 Олдиндан зўриқтирилган темирбетон конструкцияларини тайёрлашда алоҳида эҳтиёткорлик чораларига риоя қилиш керак. Чўзиш ускуналарига хизмат қилишда, арматура заготовкаларини тайёрлашда,

электротермик ва электромеханик ускуналарини бошқаришга фақат малакали махсус тайёргарликка эга бўлган мутахассисларга рухсат этилади.

Арматурани узилиш хавфи олдини олиш чора-тадбирлари кўзда тутилиши ва уларга қатъий риоя қилиниши керак.

9.5 Корхона цехларида ишлаб чиқариш жараёнида ёнгин хавфсизлик талабларига мос келиши ГОСТ 12.1.004-91 да белгиланган талабларга мос келиши керак. Шунингдек санитар хавфсизлик талабларига, ишлаб чиқариш участкаларида портлаш-хавфсизлиги, шу жумладан қолипларни мойлаш учун ишлатиладиган моддалар кимёвий қўшимчалар, кимёвий қўшимчали бетонлар ишлатишда, қатъий амал қилиш талаб этилади.

9.6 Ишлаш жойидаги ҳавонинг таркибидаги заарли моддаларнинг концентрацияси, харорати, намлиги ва ҳарорат тезлиги ГОСТ 12.1.005-88 да белгиланган даражалардан ошмаслиги керак. Хамма ишлаб чиқариш ва хизмат қилиш хоналарида табиий, сунъий ёки аралаш ҳавони тозалаш шамоллатгичларни ўрнатиш керак.

9.7 Иш жойидаги шовқин даражаси ГОСТ 12.1.003-2014 да рухсат этилган талабдан ошиб кетмаслиги керак. Шовқин даражасини пасайтириш учун ГОСТ 12.1003-2014 бўйича қўрсатилган чоралар амалга оширилиши керак.

9.8 Иш жойидаги тебранишлар даражаси ГОСТ 12.1.012-2014 да ўрнатилган талаблардан ошмаслиги керак. Ишлаётган ходимларни хавфли

тебранишлардан саклаш учун қуйидаги махсус чоралар амалга оширилиши керак:

конструктив, технологик ва ташкилий тебранишдан муҳофаза қилиш воситалари ва тебранишларни сўндириш, масофадан бошқариш, шахсий ҳимоя воситалари.

9.9 Корхона худудида ишлаб чиқариш ва ёрдамчи цехларда табиий ва сунъий ёритиш ШНҚ 2.01.05 талабларига мос келиши керак.

9.10 Буюмларни ишлаб чиқаришда атроф мухитни ифлослантирмайдиган технологик жараёнлардан фойдаланиш керак ва уни ҳимоя қилиш мақсадида комплекс чоралар ҳисобга олиниши керак. Ҳавога чиқариб ташланадиган заарли моддалар концентрацияси ахоли яшайдиган атмосферада ва санитар-маиший фойдаланиладиган сув ҳавзаларида ГОСТ 12.1.007-76* да белгилангандан ошмаслиги керак.

**ЙИГМА ТЕМИР БЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ВА БҮЮМЛАРИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ТАВСИЯ ЭТИЛУВЧИ КИМЁВИЙ
ҚЎШИМЧАЛАРНИ ИШЛАТИШ (ГОСТ 24211-2008) БЎЙИЧА**

Қўшимча ишлатилишидан самарадорлик	Самарадорлик кўрсатгичи	Ишлатилаётган қўшимча тури
Оғир ва конструкцион енгил бетон коришмалари харакатланувчанлигини 1 дан 4 см гача ошириш	16 ва юкори 10-15 5-9	Суперпластификаторлар Эффектив пластификаторлар Пластификаторлар
Бетон коришмасини сувга талабчанлигини камайтириш, оғир ва конструкцион енгил бетонлар учун, %	20-30 10-20 5-10	Суперпластификаторлар Эффектив пластификаторлар Пластификаторлар
Оғир ва конструкцион енгил ва майда доналиқ бетонлар учун цемент сарфини камайтириш, %	15-25 10-15 5-10	Суперпластификаторлар Эффектив пластификаторлар Пластификаторлар, қотишни тезлаштирувчилар
Оғир бетонларнинг мустаҳкамлигини ошириш, %	30-40 15-30 5-10	Суперпластификаторлар Эффектив пластификаторлар Пластификаторлар, қотишни тезлаштирувчилар
Класс сонига мос совуққа чидамлигини ошириш	2-3 1-2	Ҳаво тортувчи қўшимчалар Суперпластификаторлар, пластикалаштирувчи-ҳаво тортувчилар
Класс сонига мос сув ўтказмасликни ошириш	2 1	Зичлаштирувчи, Суперпластификаторлар, ҳаво тортувчи қўшимчалар
Конструкцион-терлоизоляцион енгил бетонларнинг ўртacha зичлигини камайтириш, %	10-20 5-15 3-7	Қўпик ҳосил қилувчи, ҳаво тортувчи, Пластикалаштирувчи, ҳаво тортувчилар
Иссиклик ишлаб бериш давомийлигини кисқартириш, соат	2-3 1-2	Қотишни тезлаштирувчи, Суперпластификаторлар
Иссиклик ишлаб бериш ҳароратини пасайтириш, °C	20-30 10-20	Суперпластификаторлар Қотишни тезлаштирувчилар

2-Илова
Мажсбурий

НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАР РҮЙХАТИ

1. ГОСТ 5578-94 Щебень шлаковый доменный для обычного бетона. Технические условия.
2. ГОСТ 7473-2010 Смеси бетонные. Технические условия.
3. ГОСТ 10178-85** Портландцемент и шлакопортландцемент. Технические условия.
4. ГОСТ 10922-2012 Арматурные и закладные изделия, их сварные, вязаные и механические соединения для железобетонных конструкций. Общие технические условия.
5. ГОСТ 12730.2-78 Бетоны. Метод определения влажности.
6. ГОСТ 13015-2012 Изделия бетонные и железобетонные для строительства. Общие технические требования. Правила приёмки, маркировки, транспортирования и хранения.
7. ГОСТ 14098-2014 Соединения сварные арматуры и закладных изделий железобетонных конструкций. Типы, конструкции и размеры.
8. ГОСТ 18105-2010 Бетоны. Правила контроля и оценки прочности.
9. ГОСТ 22856-89* Щебень и песок декоративные из природного камня. Технические условия.
10. ГОСТ 23117-91 Зажимы полуавтоматические для натяжения арматуры железобетонных конструкций. Технические условия.
11. ГОСТ 23732-2011 Вода для бетонов и строительных растворов. Технические условия.
12. ГОСТ 24211-2008 Добавки для бетонов и строительных растворов. Общие технические условия.
13. ГОСТ 25820-2000 Бетоны легкие. Технические условия.
14. ГОСТ 26633-2012 Бетоны тяжелые и мелкозернистые. Технические условия.
15. ГОСТ 27006-86 Бетоны. Правила подбора состава.
16. ГОСТ 12.1.003-2014 Система стандартов безопасности труда. Шум. Общие требования безопасности.
17. ГОСТ 12.1.004-91 Система стандартов безопасности труда. Пожарная безопасность. Общие требования.
18. ГОСТ 12.1.005-88 Система стандартов безопасности труда. Общие санитарно-гигиенические требования к воздуху рабочей зоны.

- 19.** ГОСТ 12.1.007-76* Вредные вещества. Классификация и общие требования безопасности.
- 20.** ГОСТ 12.1.012-2014 Система стандартов безопасности труда. Вибрационная безопасность. Общие требования.
- 21.** ГОСТ 12.3.002-2014 Процессы производственные. Общие требования безопасности.
- 22.** ГОСТ 12.3.009-76* Работы погрузочно-разгрузочные. Общие требования.
- 23.** О'з DSt 667-96 Система показателей качества продукции. Строительство. Бетоны. Номенклатура показателей.
- 24.** О'з DSt 669- 96 Материалы нерудные строительные, щебень и песок плотные из отходов промышленности, заполнители для бетона пористые. Квалификация.
- 25.** О'з DSt 761- 96 Портландцементы белые. Технические условия.
- 26.** О'з DSt 762-96 Портландцемент цветной. Технические условия.
- 27.** О'з DSt 829-97 Трубы железобетонные напорные виброгидропресованные. Конструкция и размеры.
- 28.** О'з DSt 838-97 Формы стальные для изготовления железобетонных изделий. Технические условия.
- 29.** О'з DSt 860-98 Бетоны жаростойкие. Технические условия.
- 30.** О'з DSt 861-98 Формы стальные для изготовления железобетонных изделий. Борта. Конструкция и размеры.
- 31.** О'з DSt 862-98 Формы стальные для железобетонных изделий. Проёмообразователи и вкладыши. Конструкция.
- 32.** О'з DSt 863-98 Формы стальные для изготовления ж/б изделий. Поддоны. Конструкция и размеры.
- 33.** КМК 3.01.02-2000 Техника безопасности в строительстве.
- 34.** КМК 2.03.01-96 Бетонные и железобетонные конструкции
- 35.** КМК 2.03.11-96 Защита строительных конструкций от коррозии.
- 36.** КМК 3.04.02-97 Защита строительных конструкций и сооружений от коррозии
- 37.** ШНК 5.01.23-08 Типовые нормы расхода цемента для приготовления бетонов сборных и монолитных бетонных, железобетонных изделий и конструкций

МУНДАРИЖА

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....	3
2. ХОМ АШЁ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ОМБОРЛАРГА ЖОЙЛАШ ВА УЛАРНИ САҚЛАШ	4
3. АРМАТУРА ВА ҚҮШИМЧА АРМАТУРА БУЮМЛАРИНИ (ЗАКЛАДНЫХ ИЗДЕЛИЙ) ТАЙЁРЛАШ	6
4. БЕТОН ҚОРИШМАСИНИ ТАЙЁРЛАШ	8
5. БУЮМЛАРНИ ҚОЛИПЛАШ.....	11
6. БУЮМЛАРГА ИССИҚЛИК ИШЛОВ БЕРИШ	23
7. БУЮМЛАРНИ ҚОЛИПДАН КҮЧИРИШ, САЙҚАЛЛАШ, САҚЛАШ ВА ТАШИШ	28
8. СИФАТ НАЗОРАТИ.....	29
9. МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ТАЛАБЛАР	31
1-ИЛОВА. Йиғма темир бетон конструкциялари ва буюмлари ишлаб чиқаришда тавсия этилувчи кимёвий қўшимчаларни ишлатиш (ГОСТ 24211-2008) бўйича	34
2-ИЛОВА. Норматив хужжатлар рўйхати	35

